

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

100 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон қарори)

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–373-сон Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон қарорига мувофиқ, шунингдек Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 2 март,
40-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 2 мартдаги 40-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомида:

а) «Б» бўлимда:

1.2.7-бандидаги «ҳақ тўлаш фондига» сўзлари «ҳақ тўлаш харажатига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.3.1-бандидаги «меҳнатга ҳақ тўлаш фондига» сўзлари «меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.3.2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.3.2. Нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар ва ихтиёрий суғуртага суғурта мукофотлари (бадаллари)га»;

1.4.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.4.1. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) бўйича олинган, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси»;

1.4.2-банднинг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (Гудвилл (фирманинг нархи)дан ташқари), бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси»;

2.3.26-банд қўйидаги мазмундаги 2.3.26 ва 2.3.27-бандлар билан алмаштирилсин:

«2.3.26. Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиб туриш даврида ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни сақлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

2.3.27. Бошқа харажатлар»;

3.2-банддаги «узок муддатли» сўзлари «молиявий» сўзи билан алмаштирилсин;

б) «В» бўлимда:

1.1-банднинг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Сотишдан олинган соф тушум товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган, унга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ҳамда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли солиқлари суммаси киритилмаган тушум сифатида аниқланади»;

2.4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.4. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинган даромадлар»;

3.3-бандидаги «узок муддатли» сўзлари «молиявий» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига кўра Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарори билан» сўзлари «давлат солиқ хизмати органлари томонидан умидсиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш учун белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 182-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом 8-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга қарзларни (асосий суммани, пеняларни, жарима санкцияларини) тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, бюджетга ва давлат мақсадли фондларига ҳамда вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари фондларига тўланадиган солиқлар ва тўловлар бўйича пенялар ва жарима санкцияларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда):

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги «в» кичик банд қўшилсин:

«в) информатика кабинети мудирлиги учун — 50 фоиз»;

б) қарорга 3-илованинг 10-бандига қуйидаги мазмундаги «в» кичик банд қўшилсин:

«в) информатика кабинети мудирлиги учун — 50 фоиз».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 10.8-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10.8) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёки ҳудудларни, биноларни, шу жумладан, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ жойларни текшириш учун давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларини киритиш рад этилганда, солиқ тўловчи маълум қилинган манзилда бўлмаганда, шунингдек улар томонидан солиқ ва (ёки)

молиявий ҳисобот тақдим этилмаган ҳолларда банк счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича суд тартибида чора-тадбирлар кўриш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легализация қилишнинг ҳамда терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳолатлари бундан мустасно).».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига кўра Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарори билан» сўзлари «давлат солиқ хизмати органлари томонидан умидсиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш учун белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.